

# **Гулбаҳорда ёшлар спортнинг бир қанча турлари бўйича “Бошқарма бошлиғи кубоги” учун беллашдилар**



Давлат хавфсизлик хизмати Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси ташабbusи билан Термиз тумани “Гулбаҳор” маҳалласида беш муҳим ташабbus доирасида спорт мусобақалари ва маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, халқ ўйинларидан арқон тортиш ҳамда санъатнинг бир нача турлари ўртасида нафақат Гулбаҳорлик ёшлар, балки туманнинг бошқа ҳудудидан ташриф буюрган йигит-қизлар ўзаро беллашишди.

Тадбир давомида ҳарбийларнинг ҳарбий ватанпарварлик кўргазмалари ҳамда ҳарбий техникалар намойиш этилди. Туман маданият бўлими томонидан эса концерт дастури ижро этилди.









